



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Яккабоғ тумани

2022 йил 9 декабрь

4-1806-2201/1331-сонли иш

Яккабоғ туманлараро иқтисодий судининг судьяси С.Турсунов раислигида, судья ёрдамчиси М.Эшдавлатовнинг котиблигида, аризачи вакили А.Турсунов (ишончнома асосида) иштирокида, (жавобгардан вакил иштирок этмади) аризачи Яккабоғ тумани давлат солиқ инспекциясининг жавобгар «XXXXXXXXXX» масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни очиқ суд мажлисида, Яккабоғ туманлараро иқтисодий суди биносида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

Жавобгар томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (бундан буён матнда Солиқ кодекси деб юритилади) 389-моддасига асосан 2022 йил сентябрь ойи учун айланмадан олинadиган солиқ бўйича ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим қилинмаган.

Шу сабабли, ДСБ Солиқ кодекси 111-моддасининг биринчи ва учинчи қисмининг 1-бандига мувофиқ иқтисодий судига 2022 йил 23 ноябрдаги № 23-05552-сонли ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйишни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар вакил иштирокини таъминламади.

Суд мажлисида солиқ инспекцияси вакили аризани қаноатлантириб, жавобгар томонидан шу кунга қадар 2022 йил сентябрь ойи учун айланмадан олинadиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини топширмаганлиги учун унинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйишни сўради.

Суд аризачи вакилининг тушунтиришларини ва аризани қаноатлантириш тўғрисидаги фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, жавобгар 2022 йил сентябрь ойи учун айланмадан олинadиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этилиши лозим бўлсада, тақдим этилмаган. Бу ҳолат солиқ инспекциясининг солиқ органи солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори билан ҳам ўз тасдиғини топган.

Ваҳоланки, Солиқ кодекси 389-моддасининг 2-бандига асосан солиқ агентлари ўзларининг солиқ бўйича ҳисобда турган жойдаги солиқ органига ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса — йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида ҳисобланган ва ҳақиқатда тўланган даромадлар суммалари ҳамда ушлаб қолинган солиқнинг суммалари тўғрисидаги — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси



